ЯНГИ ЎҚУВ ДАРГОҲЛАРИДА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги (1998 йил 24 февраль) қарорида, жумладан, Низомий номидаги Тошкент педагогика давлат институтини Педагогика университетига айлантириш тўғрисида ҳам кўрсатма берилган эди.**

**Шу муносабат билан мухбиримиз университет ректори Баҳром Ғофурович Қодировга учрашиб, янги мақомга эришган бу олий ўқув юртининг илк қадамлари тўғрисида суҳбатлашди.**

# ПЕДАГОГЛАР ДОРИЛФУНУНИ: ИЛК ҚАДАМЛАР

— Юқорида эсланган ҳукумат қарорида республикамиздаги бир неча олий ўқув юртлари қаторида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ҳам базавий олий таълим муассасаси этиб белгиланди, — деди Б.Ғ. Қодиров. — Шу мақсадда олий ўқув юртимизнинг мақоми ўзгартирилиб, педагогика университетига айлантирилди.

Бу қарор олий педагогика таълим даргоҳининг профессор-ўқитувчилари жамоатчилигини бениҳоя руҳлантириб юборди. Айни пайтда биз ўз зиммамизга нақадар катта масъулият юкланганлигини ҳам ҳис этиб турибмиз. Ахир бизлар мамлакатимиз Президентининг ташаббуси ва ғамхўрлигида майдонга келаётган янгича таълим муассасалари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун юксак малакали, илғор замонавий фикрли ўқитувчи кадрларни тарбиялаб етиштиришимиз керак.

Тан олишимиз керакки, олдимизда катта вазифалар турибди. Аввало университетимиз шу талабларга жавоб берадиган фан-техниканинг сўнгги ютуқлари даражасидаги моддий-техник базага эга бўлиши керак. Бизнинг таълим даргоҳимиз эса яқиндагина Халқ таълими вазирлигидан Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги тасарруфига ўтди. Лекин шунга қарамасдан Олий таълим вазирлиги университетни зарур жиҳозлар билан таъминлашга имкон қадар кўмаклашмоқда.

Кадрлар тайёрлаш йўналишида ҳам айрим жиддий масалаларни ҳал қилиб олишимиз керак бўлади. Гарчи биз Халқ таълими вазирлиги ихтиёридан чиққан бўлсак-да, лекин умумтаълим тизими учун ҳам ҳозирги замон талаблари даражасидаги ўқитувчи-кадрларни тарбиялаб етиштираверамиз. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажаришга астойдил киришдик.

Ўтган давр ичида университетимиз олимларидан тузилган ижодий гуруҳлар 24 та мутахассислик бўйича тубдан янги бакалавр -ўқитувчи таълим стандартлари лойиҳаларини яратдилар. Бу лойиҳалар бугунги кунда давлат экспертизаси ва аттестациясидан ўтказилмоқда. Шу яратилган янги таълим стандартлари асосида бакалавр-ўқитувчи тайёрлаш бўйича 24 турдаги ўқув режалари лойиҳалари ҳам ишлаб чиқилди ва улар Олий таълим вазирлиги тасдиғига юборилди. Бугунги кунда шу ўқув режаларига киритилган 700 дан ортиқ фанлар дастурларини яратиш ва улар бўйича ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва ҳар хил ўқув жиҳозлари тайёрланиши лозим.

Таълим даргоҳимизда ишлаётган 47 нафар профессор ва фан докторлари ҳамда 300 дан ортиқ доцент ва фан номзодлари ижодий гуруҳларга бўлинган ҳолда юқорида айтилган ўқув режаларига киритилган фанларни тубдан янгилаш, уларни ўқитиш усуллари бўйича янги қўлланмалар, ўқув жиҳозларининг янги авлодларини яратиш бўйича топшириқлар олиб, меҳнат таътилига кетганлар. Биз улардан 25 август кунигача ўзлари яратиб келиш мумкин бўлган қўлёзмаларни кутмоқдамиз. Шундай қилиб, профессор-ўқитувчиларимиз учун меҳнат таътили ижодий таътилга айланган.

— ***Бутун мамлакатимиз олий ўқув юртларида, жумладан, сиз раҳбарлик қилаётган университетда янги ўқув йилига қабул тадбирлари қизғин бошланиб кетди. Энди шу тўғрида гаплашсак.***

—Педагогика университетига бу йил 2080 талаба қабул қилинади. Шундан давлат грантлари бўйича 1040 та абитуриент, яна 1040 та абитуриент шартномалар асосида университетимиз талабалари бўлади. Тест натижаларига қараб, аввал энг юқори балл тўплаган 1040 нафар абитуриент давлат грантлари асосида, шундан кейин улар билан изма-из энг кўп балл тўплаган бошқа абитуриентлар шартномалар асосида қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бу йилги қабулда талабаларнинг орасида муҳандис-ўқитувчилар ва агроном-ўқитувчилар бўлиб етишадиган ёшлар миқдори салмоқли ўрин эгаллайди. Университетда бакалавр даражасига эришиш учун ёшлар тўрт йил ўқийдилар. Магистратурада ўқув эса яна икки йил қўшимча равишда давом эттирилади.

— ***Университетга ҳужжатлар топшириш қандай якунланди?***

— Ўтган йил қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури халқимиз онгига, айниқса ёшлар руҳиятига чуқур сингиб бораяпти. Таълим тизимининг янги босқичлари — академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ташкил қилиниши, бу ўқув юртларида ёшларга тўлиқ ўрта маълумот билан бир қаторда аниқ касб-ҳунар ўргатилиши халқимизга ниҳоятда маъқул бўлди. Бу масалада бизга «Халқ сўзи» ва «Маърифат» газеталари, Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси жуда катта ёрдам бермоқдалар. Масалан, газеталар бир неча бор бизнинг бутун республика ёшларига мурожаатномаларимизни эълон қилдилар, педагог касбининг келажаги порлоқ эканлигини тарғибот этиб келмоқдалар. Шунга яраша ёшларимиз ўртасида педагог бўлишга қизиқиш айни кунларда сезиларли кучайди. Бугунги кунда университетимизга кириш учун кўплаб ёшлар ҳужжат топширганликларининг ўзи шу қизиқишни исботлаб турибди. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб абитуриентлардан 4165 та ариза тушган бўлса, бу йилги қабулда университетимизга 6777 та ариза тушди. Яъни ўтган йилга нисбатан педагогика дорилфунунига киришга ихтиёр этган ёшларнинг сони 2600 тага кўпайди. Бу бизга ёшлар орасидан энг билимдон, энг иқтидорлиларни тест синови йўли билан танлаб олиб, етук олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлашга имкон беради.

— ***Бундан кейин таълим-тарбиянинг ҳаёт, ишлаб чиқариш билан бевосита алоқаси мустаҳкам бўлишига катта эътибор берилади. Шу маънода, университетда талабаларнинг ҳаётий амалиёт билан алоқасини фаоллаштириш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?***

— Бу борада биз икки йилдан бери янги бир тажрибани бошлаганмиз, яъни талабаларимиз тасдиқланган ишчи ўқув режаларига мувофиқ равишда, аввал 4 йил мобайнида ўқув - амалий билимларини оладилар, шундан кейин бешинчи ўқув йилида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан тузилган шартнома ва тақсимот асосида Тошкент шаҳар мактабларига ва касб-ҳунар ўқув юртларига бориб, бир йил муддат билан ўқитувчилик амалиётини ўтайдилар. Хуллас, бешинчи йилда талабалар битирувчи курс сифатида университетда ҳафтасига икки кун назарий таълим олиш билан биргаликда ҳафтанинг қолган тўрт кунида тўлиқ ставкада мактабларда ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланадилар.



Натижа яхши бўлаяпти, аввало тўла бир йил мобайнида педагогик амалиётни ўтаган талабалар давлат имтиҳонларини топширишда ҳеч қандай қийинчиликка учрамайдилар. Ишга боришгач эса, улар биринчи кунданоқ малакали ўқитувчилар сифатида бемалол, дадил дарс бера олиш лаёқатини ўзларида ҳосил қиладилар.

Бу янги тажрибанинг муҳим бир жиҳати шундан иборатки, битирувчи курс талабалари моддий жиҳатдан ҳам манфаат кўрмоқдалар. Яъни талаба сифатида университетда стипендия билан таъминлансалар, айни пайтда мактабда маош олмоқдалар. Шу билан бирга улар амалиёт даврида республикамиз мактаб ўқувчилари учун яратилган ижтимоий имтиёзлардан тўлиқ фойдаланмоқдалар.

Бу ижобий тажрибамиз эндиликда расмий тус олмоқда ва у педагог кадрлар тайёрлаш узлуксиз таълим тизимининг энг зарур тадбирига айланади.

— ***Баҳром Ғофурович, маълумки университет қошида бир неча йилдан бери педагогик лицей фаолият кўрсатиб келаяпти. Янги таълим талабларига кўра, энди бу йўналишда ҳам ўзгаришлар бўладими?***

— Ҳа, албатта. Университет қошидаги аввалги икки йиллик педагогик лицей бу янги ўқув йилидан бошлаб университет қошидаги уч йиллик академик лицейга айлантирилмоқда. Ҳозирги кунда академик лицейимизга ҳам аризалар қабул қилиш авж паллага етган. Эълон қилинган 150 ўринга бугунги кунда 260 дан ортиқ ариза тушди. Аризалар 5 август кунигача қабул қилинади. 5-10 август кунларида ариза берган ёшлар маълум фанлар дастури бўйича ЭҲМ ёрдамида кўп балли тизимда тест синовларидан ўтказиладилар. Академик лицейда асосан 6 та йўналиш бўлиб, бу математика-физика, кимё-биология, она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёти , тарих ва ҳуқуқшунослик, инглиз тили фанларини чуқур ўргатувчи йўналишлардан иборатдир. Ўқувчиларимиз уч йил ўқиб тўлиқ ўрта маълумот олиш билан бир қаторда ЭҲМ оператори, маркетинг хизматчиси, кимё-биология лабораторияси ходими, тарихчи-экскурсовод, девонхона иш юритувчиси ва бошқа касб кўникмаларини эгаллаб чиқадилар.

— ***Кўзланган яхши мақсадлар рўёбга чиқишига тилакдошмиз.***

— Раҳмат!

**Суҳбатдош: М. САФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ИСТИҚЛОЛ ТАРОНАЛАРИ

## ОЗОДЛИК ТОВУШИ

*Бир шуъла уйғонди саҳарда,*
*Унутди сукунат эканин.*
*Эшитдим, у соқов эмасдир,*
*Эшитдим севаман деганин.*

*Ўзлигин кўрсатди самодан*
*Ўн икки юлдузин қучоқлаб.*
*Зўр наъра отилди ҳаводан,*
*Бош эгди Заминни ардоқлаб.*

*Ул шуъла мени-да уйғотди,*
*Севинчдан кўзларим ёшланди.*
*«Бу Ватан сенгадир» дегувчи*
*Сўзлардан янги кун бошланди.*

*Қайдасиз, эй улуғ, бекларим,*
*Елкаси офтобни кўрмаган.*
*Осмонга зўр нарвон қўйса ҳам*
*Бир инсон ҳолини сўрмаган.*

*Занжирли булутлар узилди,*
*Энди сен озодсан, оймомом.*
*Ошиқлар ороми бузилди,*
*Сени деб қошлари ёй, момом.*

*Гўзаллик бундадир бебаҳо,*
*Ой юзи этак-ла ёпилмас.*
*Оламда сенингдек ҳурлиқо,*
*Сенингдек париваш топилмас.*

*Бир шуъла уйғонди саҳарда,*
*Чарақлаб отилди наволар.*
*Ой кўкси Қуёшга айланди,*
*Нур элтди қалбимга саболар.*

*Озодлик товушидир ёруғлик,*
*Шул эди интиқиб кутганим.*
*Тарк этмас бу юртни улуғлик,*
*Гўзал ҳаётимсан, Ватаним...*

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

## ВАТАН

*Ватан — дилларга сездирмай кирган нурлардир,*
*Порлоқ умрини пойига тўккан ҳурлардир.*
*Ватан — беғубор чеҳрада ярқ этган қувонч,*
*Ёки йигит кўзларида чақнаган ишонч.*
*Ватан — ҳали сен билмаган буюк бир Шодлик,*
*Қадри тўла англанмаган эзгу Озодлик!*
*Ватан — кўп йиллар эъзозлаб асралган Ўзлик,*
*Дилда авайланган оҳорли Сўзлик.*

**Тоҳир ҲАҚБЕРДИЕВ.**
**Пастдарғом тумани.**

# ОВОЗИДА НОЛА БОР, МЕҲР БОР

## ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

Қишлоғимизда Маҳмуджон ака Кимсанов деган одам бор. Умри пахтазорда ўтган. Маҳалла-кўйнинг тўйу маъракаларида ош дамлайди. Ёдимизда қолгани у кишининг овози. Кайфияти яхши бўлса Маъмуржон Узоқовнинг қўшиқларидан айтиб берарди. Зап овози бор эди-да. Ҳар гал Маҳмуджон аканинг овозини эшитсам, санъатнинг, санъаткорнинг умри боқийлигига такрор-такрор амин бўламан.

Эсонбой Қодировни дастлаб кўрганимизда ҳамқишлоғимиз Маҳмуджон Кимсановга ўхшатдим. Қарангки, Эсонбой ака ҳам қўшиқ айтар экан.

Эсонбой Қодиров Андижон вилояти, Шаҳрихон туманидаги Пахтаобод қишлоғида истиқомат қилади. Қўлига ликопча тутиб катта ашула айтади.

— 1955 йили Олтинкўлдан хушхабар келди, — деб хотирлайди Эсонбой ака. — Пахталарга от билан ишлов бераётган эдим. — Сизни Олтинкўлда бўладиган халқ сайлига чақиришмоқда. Эртароқ етиб борар экансиз, — деб айтишди.

Ишимни топшириб, далалар оралаб йўлга тушдим. Мени санъатга ошно бўлишимга сабабчи бўлган инсон Набижон ака кутиб олди. У киши маданият уйининг директори эдилар. Қўшиқ айтишга иштиёқим борлигидан Маъмуржон акани огоҳ қилибдилар. Қўлимдан тутиб, «Сенинг устозинг мана шу одам. Этагини маҳкам тутгин», деб айтдилар. Маъмуржон ака менга ҳар турли саволлар бериб, синовдан ўтказди. Бир пайт сухандон:

— Энди навбат Маъмуржон Узоқовнинг шогирдларидан Эсонбой Қодировга!— дея эълон қилди.

Жуда тўлқинланиб кетдим. Саҳнага кўтариляпману овозим устозимга маъқул бўлармикан, деган андиша хаёлимдан нари кетмайди.

Даврага сукунат чўкди. «Фиғонким» қўшиғини айтдим. Ҳар бир сатрнинг маъносини англаб, юракдан куйладим.

***Фиғонким, гардиши даврон***
***айирди шоҳсуворимдин,***
***Ғамим кўп, эй кўнгил, сен бехабарсан***
***оҳу зоримдин.***

Ашула устозимга маъқул бўлди. Бундай дейишимга сабаб, сайил тугагандан кейин Маъмуржон ака қўшимча бир даста пул бердилар.

— Бугун яхши бир кўйлак билан дўппи сотиб олгин. Эртага Андижонда учрашамиз, — деди у киши.

Ўша куни бир олам севинч билан уйга қайтдим.

Отамни Қодирали косиб дер эдилар. Санъатга ихлослари баланд, дўст-ёрлари кўп эди. Мана буларни олиб бориб, устозингга бир ош дамлаб бер, — дедилар.

Кейин билсам, улар бир-бирларини яхши танир эканлар.

Шу куни Андижондаги истироҳат боғида «Баёт 5» катта ашуласини айтдим. Шундан сўнг устозим мени Марғилонга олиб кетди.

Маъмуржон Узоқов хонадонида Жўрахон Султонов, Одилжон Турғунов, Муҳаммаджон Мирзаев, Ғуломжон Рўзибоев каби улкан санъаткорлар суҳбатидан баҳраманд бўлдим.

1965 йилда республика яккахон ашулачилар кўрик-танловида иштирок этиб, совринли ўринлардан бирини эгалладим. 1972 йилда эса «Марҳабо, талантлар» фестивалида қатнашдим. Юқори кўрсаткичга эришганимнинг боиси ҳам устозимнинг берган сабоқлари туфайли бўлди.

Эсонбой ака Қодиров халқ орасидан етишиб чиққан ҳофиз. У киши «Фиғонким», «Айрилмасин», «Парво этиб кет», «Суратинг», «Озорсиз», «Бир келиб кетсин» каби қўшиқларни ҳануз куйлаб келади.

Шаҳрихон туманидаги Пахтаобод қишлоғи аҳолиси Эсонбой аканинг санъатидан баҳраманд.

Эсонбой Қодиров 40 йил жамоа хўжалигида меҳнат қилди. Ғўза қатор ораларига сув таради, агрономлик қилди. Умр йўлдоши Гулсара ая билан икки ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказди.

Қўшиқ — руҳнинг озуқасидир. Қўшиқ — юракка маънавий қувват бахш этади. Ана шу йўл билан инсонни тарбиялайди.

Шу боис, Эсонбой ака ҳаётини куй-қўшиқсиз тасаввур эта олмайди.

Эсонбой аканинг овозида нола бор. Бу нола, меҳр-мурувват, инсонийлик ҳақида.

**Абдураҳмон ЖЎРА, «Халқ сўзи» мухбири.**



Бахмал туманидаги Новка қишлоғилик Турсунбой ака Асқаров аждодлари ҳунари — эгарчилик касбини эъзозлаб келмоқда. Устанинг айтишича, унинг ота-боболари шу иш билан 150 йилдан буён шуғулланаркан.

Турсунбой ака эгарларининг донғи қўшни Қирғизистон, Қозоғистон от ишқибозларига ҳам етиб борган. Шу боис, у бирор кун ҳам бўш қолмайди. Бюртмаларни ўз вақтида, пишиқ-пухта, сифатли бажаришга ҳаракат қилади.

СУРАТДА: *Турсунбой Асқаров.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

**Одамзот қадим замонлардан буён турли табиий ҳодисаларни мунтазам кузатиб келган. Жониворлар, ўсимликлар ва осмон жисмларининг муайян ҳолатига қараб яқин ва узоқ муддатда рўй бериши мумкин бўлган табиий ҳодисаларни, ёғин-сочин вақти ва уларнинг қандай кечишини чамалаганлар. Қуйида ана шундай халқ таъбирларидан айрим намуналар билан танишасиз. Бу маълумотлар ўлкамиз табиати ва об-ҳавоси ҳақидаги билимингизни бойитишга, табиатдаги муайян ўзгаришларни аввалдан аниқлашга, фасллар об-ҳавоси тўғрисида олдиндан айрим хулосалар чиқаришингизга имкон туғдирса, ажаб эмас.**

# ОБ-ҲАВО ДАРАКЧИЛАРИ

Иссиқ ўлкалардан учиб келган қушлар эрта баҳорда узоқ вақтгача сайрамай юришса, ҳали-вери ҳаво юришиб кетмайди, вақти-вақти билан совуқ бўлиши кутилади.

***

Қушлар дарахт ёки айвоннинг офтобрў томонига ин қура бошласа, ёз салқин келади.

***

Боғларда қушлар шовқини эшитилмаса, тез орада ҳавода бирор ўзгариш содир бўлишини кутавериш керак.

***

Эрта баҳорда оққушлар бошқа қушларга қараганда анча вақтлироқ учиб келишса, қиш чўзилади.

***

Илгари одамлар эрта баҳорданоқ йил об-ҳавоси қандай келишини куркурак қушининг уясидан чиқишига қараб аниқлаганлар. Агар у уясидан чиқиб ўзини ерга урса, тупроққа ағанаса, ўша йили қурғоқчилик бўлиши кутилади. Чанг-тўзон, шамол ва бўронлар кўп бўлади. Агар у инидан чиққач, дарҳол учиб кетса, йил яхши, серҳосил бўлиб, ҳаво очиқ келади.

***

Сайраб турган қушлар бирданига жимиб, тиниб қолишса ҳам ҳаво бузилади. Бундай пайтларда кўпинча момақалдироқ бўлади.

***

Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади.

***

Ёмғирдан олдин ҳўкиз ва сигирлар тумшуқларини кўтариб, бирор нарсани ҳидлагандай, зўр бериб нафас олаверадилар.

***

Моллар кечки пайт иштаҳа билан ўт еса, эртаси куни ҳаво бузилиб, ёғингарчилик бўлиши мумкин.

***

Ўргимчак инининг ўртасида қимирламай турса, ёмғир ёғади.

***

Ёмғирли кунларда деворлардаги ўргимчакларнинг ин қура бошлаши — ҳаво очилиб кетишининг белгисидир.

***

Ҳавонинг авзойи бузуқ кўринса-да, лекин момақаймоқнинг тилларанг гуллари ўзларини намойиш этиб тураверса, ёғингарчилик бўлмайди.

***

Йўнғичқа гулининг ёки қоқигулнинг юмилиши — ҳаво айниши аломатидир.

***



Йўнғичқа гули ҳаво булутли пайтда ёки кечаси юмилса, ҳаво айниб, ёмғир ёғиши кутилади.

***

Агар қизил беда нозикниҳол қоматини тик тутса, шамол бўлади.

***

Агар эрталаб кун қизариб чиққан бўлса, шу куни ҳаво булутли бўлади ёки ёмғир ёғади.

***

Ой янги туғилганда унинг ўроғи тик бўлса, буни «ой ўзига нотинч» дейдилар. Бундай пайтда об-ҳаво қулай келади.

***

Ой атрофида ҳалқа ўгирилса, ҳаво айниши кутилади. Янги яйловга кўчишда ой ва қуёш ҳолатига қараб иш тутган чўпонлар:

«Ой қўраласа, аравангни соzла,
Қуёш қўраласа, кўлагангни созла», — дейишган.

Агар савр ойининг охиригача (майнинг ўрталари) осмон булутли бўлиб турса, қиш қаттиқ ва қорли келади.

**Тўпловчи М.ЖЎРАЕВ.**

# ЧИЛЛА ЁМҒИРИ

Ёз чилласида ёмғир ёғса, деҳқоннинг пешонаси тиришади. Чунки, айни пишиқчилик-да, ўз-ўзидан нобудгарчилик, сифат бузилиши рўй бериши табиий. Бироқ, Ўзбекистонда ёз чилласи деганда ёғингарчилик мавсуми эмас, қуруқ жазирама иссиқ кўз олдимизда намоён бўлади. Аммо бу йилги ёз бошқача бўлди. Айни чилла пайти бўралаб ёмғир ёғса, сел тошқинлари рўй берса ажабланасиз-да. Андижон вилоятининг Қўрғонтепа, Наманган вилоятининг Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Китоб, Касби туманларида ана шундай ғайриоддий ҳодисалар бўлиб, экинларни ювиб кетди. Одатда бундай ёғинлар баҳорда бўларди. Нега айнан ёз чилласида?

Республика гидрометеорология бош бошқармаси мутахассислари «ёз чилласида бўладиган ёмғирларни ҳар 5-6 йилда такрорланиб келадиган ҳодиса» деб изоҳлаяпти. Уларнинг айтишига қараганда, Россия ва Қозоғистондан, Кавказ ўлкаларидан эсган совуқ оқим Ҳинд океанидан Афғонистон, Эрон орқали йўл олган иссиқ оқим билан Ўзбекистон ҳудудида тўқнашяпти. Натижада ҳосил бўлган булут ёғин-сочин манбаига айланганини айтишди. Ана шу тўқнашув айнан июнь, июль ойларида такрор-такрор содир бўлганлигини кузатишибди. Булут таркибидаги намлик кам бўлса ёғмай ўтиб кетиши, кўп бўлса, ёғиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг биринчи проректори, профессор
**Озод РАСУЛОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Шуъла» фирмаси жамоаси фирма раҳбари Жўрабой Холматовга умр йўлдоши
**Клара РАЖАБОВАнинг**
бевақт оламдан кўз юмганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтининг меҳнат жамоаси институтнинг етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди Неъматжон Маҳкамовга волидаи муҳтарамаси
**Хосият ая БОЗОРОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0173, 34565 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Навбатчи — Ш. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 00.30* 1 2 3 4 5 6